


ҲЕЧ СЎНАМАГА ТАРАККУРНИНГ ЗИЁСИ, БУНГА ДАВЛА АЛ-ФАРҒОНИЙ ДАҲОСИ

Ислом КАРИМОВ:

Биз абадий қоладиган масканларни барпо этишимиз лозим. Ҳар бир ашени нозик дид билан ишлаб чиқиш, узокни кўзлаб иш тутиш керак. Ал-Фарғонийнинг ҳайкали, боғдаги дархаллар, фавворалар, ариқлар, йўлакларнинг ҳаммаси шундай бўлиши керакки, бу ерга кирган киши ҳузур қилсин. Шундагина бунёд этилаётган бу маскан ҳақиқатан ҳам чинакам оромгоҳ бўлади.



УСТОЗЛАР ЗИЁСИ

Ўзбекистон Бадийи академияси Имом ал-Бухорийнинг 1225, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига бағишланган халқаро кўргазма ташкил этди. Кўргазмага қўйилган Шарқ минатюраси услубидаги асарлар улуг муҳаддис олим Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълум тасаввурларни беради. Ул зоти шарифнинг ҳаёти йўлидаги изланишлари, сафарлари, Бухоро аҳли томонидан кутиб олиниши ёрқин бўқларда тасвирланган.

"Ал-жомъе ал-Саҳиҳ"да қўйилган сўзлар бор: "Инсоннинг иккита ҳусусиятига ҳавас қилса арзийди: бири — Аллоҳ таоло унга бойлик ато қилиб, уни аъмолларга осонлик билан сарф қилдирадигани бўлса, иккинчиси — унга донишмандлик ато этса-ю, шу билимини инсонларга ургатадиган бўлса".

Манбаларнинг шахолат беришича, ҳазратнинг ўзлари ана шу иккинчи тоифага хос эот эрдилар. Кўргазманинг яна бир муваффақияти ҳар икки аллома ҳаётига, ижодида доир маълумотларнинг кўриниши, ўқиши ҳолда ёзиб қўйилганлигидир.

Шунингдек, ўз даврининг бетакрор олими бўлган Аҳмад ал-Фарғонийнинг асарлари, ҳаётига доир маълумотлар ҳам кўргазманинг салмоғини оширган.

Америкалик расмчи Ричард Доннинг қаламига мансуб "Ал-Фарғоний" сурати қаршида уйга толай илжонитиз йўқ. Юртдошимиз ҳаёлот оғушига чўккан. Суратда юлдузлар ҳолати, ернинг қўйи тасвирида берилишида ўзига хос раъсийлик бор.

Ҳиндистонлик Сарфдорнинг, туркманistonлик Курбон Мерсодларнинг Ал-Фарғоний сиймоси акс эттирилган суратларида ҳам улуг олимга беҳис ҳурмат ўз ифодасини топган.

"Лиссабондан жануб томонга, Гвинеяга сузиб кетайтиб, мен диққат билан матрослар ва кемага йўл кўрсатувчилар белгиланган масофани қайд қилиб бордим. Қўёшнинг уфқ узра баландлик нуқтасини квадрат ва бошқа асосбилар ёрдамида бир неча марта ўлчадим.

Худди Аҳмад ал-Фарғоний айтганидек, бир даража (градус) 56. 2/3 миллин тамак қилди. Демак, ушбу улчов бирлиги, албатта, қабул қилиниши керак. Шундан келиб чиқиб, биз ер айланасининг катталиги 20.400 миллин тамак қилади деб тасдиқ қилишимиз мумкин".

Ушбу сўзлар биринчи бўлиб Америка қитъасини кашф қилган Христофор Колумбники, Демак, Аҳмад ал-Фарғонийдек бобомиз уша даврда сайёҳлар учун ҳам йўл кўрсатувчи юлдуз бўлганлар.

Ушбу мувожаз кўнларда илмнинг барҳақлиги, иймоннинг, инсоф аҳлининг боқий эканлигига гувоҳ бўлиб туришимиз. Инчунин, бу ҳусула Имом ал-Бухорий лутф қилганлар.

"Ушбу олам ўндаган кейин бошқалар ҳам фойдалана олиши учун илму зиё қолдириб кетсагина инсонлар орасида ҳамини барҳаёт ишлайди".

А. ЖҲРАЕВ,

"Халқ сўзи" мухбири.

Буюк италян шоири Алигьери Данте (1265-1321) ҳам замонасининг илгор вакили сифатида бу жараёндан четда турмаган.

Толдоо шахрида таржимонлик мактаби ташкил этилганда IX-XV асрларда яшаб ижод этган Шарқнинг буюк алломаларининг асарлари аввал лотин тилига, XII-XIV асрларда қадимий Оврүпо тилларига айланди ва булардан оврүполиклар баҳраманд бўлган эдилар. Ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғонийнинг астрономияга оид "Китоб ал-ҳаракат ас-самовия ва жаомеъ илм ан-нуҷум" ("Осмон ҳаракатлари ва юлдузлар ҳақидаги илм йиғиндиси") рисолиси ҳам 1145 йили кремоналик Херардо ва 1175 йили севильялик Хуан томонидан лотин тилига айланди. 1493 йили эса Италиянинг Феррара шаҳрида авалтиларнинг камчиликларни бартараф этилган ҳолда яна лотин тилига таржима этилган эди. 1669 йил эса Холландияда арабшунос ва математик олим Яков Ҳолмс томонидан етук таржимаси ва факсимиле наشري амалга оширилган.


Олимнинг бу асосий асари Шарқда, айниқса, Оврүпода астрономияга оид билимларнинг қомуси сифатида қабул қилинган. Оврүполиклар олим номини "Алфраганус" ёки "Алфраган" шаклида таллаффуз этганлар. Данте "Зиёфат" асарида астрономияга оид фикрларни Фарғонийнинг "Осмон ҳаракатлари ва юлдузлари ҳақидаги илм йиғиндиси" асарида олади. Фарғоний рисолиси астрономия соҳасидаги ягона асар сифатида ҳам Шарқ, ҳам Оврүпода кенг машҳур эди. Данте за-

VIII аср бошларида Шимолий Африка араблари Гибралтардан ўтиб, Пиреней ярим оролига, Испанияга бостириб кирдилар ва уч йил давомида мамлакатнинг асосий қисмини забт этдилар. Ерлик халқнинг қатлиғина қисми шимоладаги тоғли ўлкаларга қочиб, аввал Аспурия, кейинчалик эса Драгон дағалатини тўздилар. Бу воқеа инсоният тарихининг янги саҳифасини очди. Македониялик Александр орзу қилган Шарқ ва Ғарб синтетизининг янги даври бошланди. Шарқ фақатгина Оврүпо маданиятининг ривожига таъсир этибгина қолмай, умуман, Урта аср Оврүпо одамининг тафаккур характериини тубдан ўзгартириб юборди.

ДАНТЕНИНГ УСТОЗИ

монасининг энг ўқимшли зиёлиси сифатида бу китоб билан янги таниш бўлган. Беатриче вафоти қўнини муқаллас сана "9" та тўғрилайман деб Фарғоний асарига мурожаат этди ва ундаги сўзларнинг календардан фойдаланиб "9" санасини чиқарди.

"Зиёфат"нинг иккинчи бобида астрономияга оид турли маълумотларни берар экан, шоир Фарғоний асаридан фойдаланади. Зухро сайраси — йили 1168 ер кеча-кундузига тенг, Ер билан Зухро ўртасидаги масофа 167 ер радиуси билан баробар, яъни 542750 милдир. Зухра сайрасининг эпицентрик ҳаракатини аниқлашда "Алфраганнинг хабарига биноан Зухра осмони икки ҳусусиятга эга... уларнинг бири буржининг ўн икки белгилари орқали секин ҳаракатланади. Иккинчиси буржлар орқали биринчисига нисбатан тезроқ ҳаракатланади, яъни биринчидан 9 кун камроқ". Фарғоний асарида биринчи ҳаракат буржининг 12 белгисидан 29 йилу 5 ой ва 12 кунда, иккинчисида эса аввалгилардан 9 кун тезроқ ўтади. Ҳозир астрономия фанида биринчи ҳаракат сидераль,



иккинчиси эса тропик деб аталади. Яна ана шу иккинчи бода тўғридан-тўғри... Алфраганнинг ҳисобига қўра, Аторул сайрасининг диаметри Ер диаметрининг йигирма саккизла биридир, яъни 6500 милдан иборатдир" дейди.

Данте турғун юлдузлар сонини 1022га дейди. Бу сана даставвал Клавдий Птоломей асарида ("Ал Магест") ёзилган, Фарғоний ҳам шу рақамни келтиради. Буюк ғалатдошимиз Абу ал-нуҷум асарида сунди, ундан парчалар келтирилди. Бу асар Данте учун астрономиядан ягона билим манбаи вази-фасини ўтаган.

Оврүпо адабиётининг тенги йўқ шоҳ асари бўлиши "Илоҳий комедия"да Шарқ маданиятидан кул нарсалар Данте "Аъроф"ни жанубий яримшар-

қа рақамлар ҳам учрайди. XVII асрда телескоп кашф этилгунча Фарғонийнинг 1020 рақами сақланади. Шоир қўйидаги маълумотларни ҳам Фарғонийдан олган: Шимолий ярим шар ўртасидан шимолий қутбга бўлган масофа 2600 мил; ярим шарларнинг экватордан қутбларга бўлган масофаси 10200 мил; кўёш диаметри ер диаметридан беш ярим маротаба катта (Беруний ҳам шу санани келтиради), яъни ...35750 милдир". "Аллоҳнинг амри ва сайли ҳаракати билан Ер шар шаклида яратилган". "Осмон тўққиз қават". "Илоҳий комедия" асарида "Дузах", "Аъроф" ва "Жаннат"ни ҳам тўққиз қаватдан этиб тасвирлайди. Алб "Зиёфат"да конитот ҳақида фикр юртлар экан, Аҳмад ал-Фарғонийнинг "Китоб ал-ҳаракат ас-самовия ва жаомеъ илм ан-нуҷум" асарида сунди, ундан парчалар келтирилди. Бу асар Данте учун астрономиядан ягона билим манбаи вази-фасини ўтаган.

Оврүпо адабиётининг тенги йўқ шоҳ асари бўлиши "Илоҳий комедия"да Шарқ маданиятидан кул нарсалар Данте "Аъроф"ни жанубий яримшар-

нинг ғарбий қисмидаги "тоғ"га жойлаштилади. Бу тоғ Аллоҳ Шайтонни жаннатдан ҳайдаб шимолий яримшарда ер қаърига қиритиб юборганда жанубдаги океандан тоғ сифатида бўртиб чиққан эди. Бу "тоғ" тўққиз қават аърофни ташкил этган, ути ер жаннати. Фарғоний ўзининг машҳур асарида юлдузлар ҳаракатини тахтил қилиб, ер қура-сининг ғарбий қисмида, океан ортда ҳали номаълум бўлган қитъа бор, деб унинг рсмонида бўлиши мумкин бўлган турғун юлдузлар тасвирини берган. Данте, олимга суянган ҳолда "Аъроф" осмонини тасвирлар экан, Фарғоний берган юлдузлар тасвирини беради.

Машҳур Америто де Веспуччи XV аср охирида Колумб томонидан кашф этилган "Ҳиндистон"га, яъни қитъанинг жанубий қисмига борали ва осмонда шопр тасвирланган юлдузларни қўриб, "Биз Дантенинг аърофига келиб қолдик", дейди. Шу билан тарихда даставвал Колумб очган қитъа Ҳиндистон эмас, балки шу давргача номаълум бўлган қитъа эканини исботлайди. Шунинг учун ҳам қитъа унинг номи билан "Америка" деб аталади. Шу нуқтан назардан Американинг очилиши ватандошимиз бўлган буюк олим Абул Аббас Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний номи, илмий башорати билан ҳам боғлиқдир.

Фозила СУЛАЙМОНОВА,
филология фанлари доктори,
Франция давлатининг "Академия пельмаси" ордени совриндори.

Анвар ОБИДЖОН, Ўзбекистон халқ шоири

ЎЗБЕКИСТОН ТҲЙХОНА

Айланганча алломалик афсонасига,
Тилсиз бўлиб фалак илмин дурдонасига,
Бўз бола шод талингандек ўз онасига,
Қайтди Аҳмад ал-Фарғоний Фарғонасига.

Афсонадур Фарғоний,
Дурдонадур Фарғоний,
Дунё аҳли назидида
Фарғонадур Фарғоний.

Юлдуз санаб, ёйдуларга парвона бўлди,
Нис дарёсин сипқоргандек мастона бўлди,
Мисур Дамашк, Боғдод унга Фарғона бўлди,
Не алам, кўп замон биздан бегона бўлди.


Жаҳон илмин шарҳидур
Фарғоналик Фарғоний,
Ўзбекистон фахридур
Фарғоналик Фарғоний.

Булбул учун гулдан бўлак ҳамхона йўқдур,
Ошиқ учун Ердан бўлак жонона йўқдур.
Нисон учун Ватандан хуш қошона йўқдур,
Олам кендир, фақат бошқа Фарғона йўқдур.


Она тупроқ адоси
Бўлиб ўтди Фарғоний,
Мангу соғинч садоси
Бўлиб ўтди Фарғоний.

Ўзбек яна ўз қаддини мардона қилди,
Озод бўлиб, орзуларин шарқона қилди,
Юртин ажодлар руҳига тўйхона қилди,
Фарғонийга таъзимларин остана қилди.

Тўйхонадур Фарғона,
Ўзбекистон тўйхона,
Фарғонийни шарафлаб,
Бутун жаҳон тўйхона.



Алломанинг «Хронология ва астрономия элементлари (Роман, Миср, Арабистон, Эрон, Сурия ва бошқа мамлакатлар календарлари)» китоби Хейдербеген академиясининг профессори Якоб Христман томонидан 1590 йили Франкфуртда нашр этилган.



«Астрономия элементлари» китоби эса Якоб Христман томонидан араб ва лотин тилларида бир-ла 1669 йили Амстердамда нашр этилган.

КЕЧА ВА БУГУН

Марказий Осиё тавҳари — Фарғонада жуда кўп бўлганман. Аммо бу галги сафар чоғида уни қайта кашф этгандай бўлдим. Буюк ватандошимиз, улуг аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги олдидан бу ерда улкан ишлар амалга оширилганлигини хабардор бўлсам-да, лекин бу ёзув шайхоннинг ниҳоятда қисқа фурсат — боз-йўти 10 ой ичида бу қадар ўзгариб кетганлигини тасаввур қилмагандим. Чиндан ҳам улуг аллома номи билан аталувчи оромгоҳда бўлган одам унинг авалги ҳолатини кўз олдига келтириб, ҳайрон бўлиши табиий. Манзара бутунлай ўзгариб кетган. Юртимиз шаҳарларидаги ўзга боғлардан деярли фарқ қилмайдиган ушбу истироҳат маскани ажиб бир салобат, улугворлик касб этибдики, қўриб беихтиёр тасаннолар айтасиз. Айниқса, боғ тўрида қад кўтарган қўшқ ва ундаги аллома ҳайкали бу масканнинг эндиликда нафақат ажойиб бир сайлгоҳ, балки барчаннинг эъзозиди эибераттоҳга айлانганидан далолат бериб турибди.

Минг йиллик тарихинг қайтгани муборақ, азиз Фарғона!

ҚАДИМГИ КУБО ЙЎЛИДА

Ҳа, Муствақиллик бизга нафақат эркинлик, миллий қадриятларимиз, балки улуг боболаримиз, уларнинг қўтлуг қадамлари теккан қадимий шаҳарларимизни ҳам қайтариб берди.

Фарғонадан чиқиб, Кувага йўл оларканмиз, бир нарса эътиборимизни тортиди. У ҳам бўлса, виллоят марказидан то қадимий шаҳаргача бўлган йўлнинг икки четига экилган, қўни яшатиб турган турфа ранг гуллардир. Йўллар четиди фақат тўзторларни куравериш урганиб қолган эканмиз. Гуллар кенг ва раво кўчани янада гўзаллаштириб юборганди. Гўё йўлда эмас, гулзор оралаб юргандай бўласиз.

— Аҳмад отанинг гуллари, — дейди ҳазиллашиб Тойиржон ака. — Қаранг, улуг одамларини улуғлаган юрт обод бўлаверар экан. Талбирга тайёргарлик-ишлари йўлга келиб тақалганда, унинг икки четига гул экилса қандай бўларкин, деган тақийф айтилганда бу фикр ҳаммага маъқул тушди.

Хўжалик ва корхоналар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари бирдай ҳаракат қилдилар. Йўл бўйидаги уйлар эгаларини айтмайсизми. Қўни-қўшинлар ким ўзига гул экишга киришиб кетдилар. Қаранг, кўз тўймайди...

Кува Олтин виллоининг қўрғига, чиройига ярашқилик дўзал ва сўлим масканлардан бири. Азалдан дунёга донги кетган анорзорлари, пахтазорларию экин майдонлари, ширин-шарбат мевадари бозлари, серрайрат ва фидокор халқи билан машҳур юрт. Олиму уламолар, адибу санъаткорлар диёри. Дунёга донг таратган қомусий олим Аҳмад ал-Фарғоний киндик қони томган табарруқ жой.

Кувага кираверишдаги жамоа ҳўжаликларидан бирига Аҳмад ал-Фарғонийнинг қўтлуг номи берилибди.

— Аввал "Москва", "Ҳақиқат" номлари билан аталиб келарди. Деярли ўн йилдан бери пахта режаси бажарилмасди. Қаранки, улуг бобомиз номи берилган дастлабки йилдек пахта теримида биринчи ўрида борапти, — дейди туман ҳокими ўринбосари Таваккал Имомов кулиб.

— Тарихий тепалик атрофини баландлиги 6 метри дивор билан ўрадик, — дейди туман ҳокими Муҳаммаджон Носиров. — Бўйи 17 метри мақбара, 5 та фаввора бунёд этилди. Ушбу тарихий иншоотта виллоятимиздаги деярли барча йирик қурилиш-монтаж ташкилотлари ўз ҳиссаларини қўйдилар. Айниқса, "Қўқонқурилиш" ҳиссасдорлик жамияти, 84, 77, 10-хўжаликлар ар механизацияланган кўча колонналар, 4,10-қурилиш-монтаж бошқармалари жамоаларининг улуши баракали бўлди. Улуг бобоклонимиз хотирасига атаб амалга оширилган меъморий ишлар бу билан тутаб қолмайди, албатта. "Қўбо" археологик экспедицияси аъзолари юртимиз тарихига оид ноёб топилмаларни қўлиб олаётдилар. Насиб этса, юбилей тантаналаридан сўн "Кува археология музейи"ни ташкил этиш ниятидмиз.

Ҳа, бугунги Кува биз аввал билган олди Кува эмас, балки минг асрлар пинҳон саклаб келган сирларини оча бошлаган, буюк аждодларимиз руҳи қўлаб, қўрқига-қўрқ, салобатига-салобат қўшилган улугвор бир шаҳарга айланган.

Тўмур АБДУРАҲМОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

БУЮК АЖДОДИМИЗ СИЙМОСИ

Тошкентда, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида буюк мустақиллик ва олим Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган "Ал-Фарғоний" спектаклининг премьераси бўлди.

— Театримиз буюк аждо-

роҳим Юсуфов, шоир Жуманнўз Жабборов гоиларини тула рубига чиқаришга ёрдам берди. Улар томошабинларимизга Аҳмад ал-Фарғонийнинг ҳаёти ва илмий жасорати ҳақида сўзлаб беришдек фахрли ишга қўл урганлар. Мамлакатимиз мустақил-

ликка эришиб, ўз илм-фани ва маданиятини қайта тиклаётган ва ривожлантираётган ҳозирги пайтда Аҳмад ал-Фарғоний сиймоси ҳаммаимиз илҳомлантиради. Биз буюк аждодимиз ҳақида юксак санъат тили билан ҳикоя қилиб беришга ҳаракат қилдик. Тақдир бизга ал-Фарғоний каби буюк шахс ҳаётига дахлдор бўлиш имкониятини ҳади этганидан хурсандимиз. Спектаклимиз томошабинларда буюк аждодимиз билан фахрларини тўғиларини, одамлар қалбиди унутилмас яхши из қолдириб, самарали яшаш истагини уйғотди, деб умид қиламиз.

СУРАТЛАРДА: сохнодан кўринишлар.

А. РИСКҲЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



димиз ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги юбилейини нишонлаш каби шонли воқеадан четда тура олмас эди, — деди ЎЗА мухбири билан суҳбатда театр директори, халқ артисти Бернора Қориева. — Биз бу спектаклни бир йил давомида тайёрладик, унда буюк аждодимиз сиймосини кўрсатиш учун балет ва опера жанрларидан фойдаландик.

Жанрларнинг бир-бирига қўшилиши ижодий жамоамизга постановкачи режиссёр Хайдарали Қосимов, бастакор Мустафо Бафоев, хореографлар Галия Имайлова ва Иб-




БУЮК АЛЛОМАГА ЮКСАК ЭХТИРОМ

(Боши. 1-бетда).

Юртбошимиз имом ал-Бухорий мажмуи жойлашган Челақ туманидаги Хартанг қишлоғига йўл олди. Мас-жид мажмуи дарвозаси олдида муҳтарам меҳмонларни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А.Баҳромов, Самарқанд вилояти имом-хатиби Мустафо Малиқзола, Челақ тумани ҳокими Ш.Шукроров ва бошқалар қарши олди. Бу ердаги дарвоза пештоқига "Бу ёлғорлик мажмуи ислом оламида юксак обрў-этибор қозонган улуг ватандошимиз, ҳадис илмининг судтони, буюк аллома имом Исмоил ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий 1225 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида яратилган лойиҳа асосида Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Андижон, Наманган, Қўқон, Шаҳрисабз халқ усталарининг олтин қўлари билан барпо этилган" деган сўзлар араб ва лотин алиф-боларида зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Масжид-мажмуа очилиши муносабати билан хайр-эхсон оши берилди. Зиярат-га келган мўмин-мусулмонлар жума номози ўқиди.

Имом ал-Бухорий мажбраси мажмуининг очилиши маросимини Самарқанд



вилояти имом-хатиби М.Малиқзола очди.

Сўз Ўзбекистон Республи-

каси Президенти Ислам

Каримовга берилди.

Республикаси раҳбари ўз

нутқида ҳадис илмининг сул-

тони, Ислам дунёсида беазир

лаҳо — имом Исмоил ал-Бу-

хорий юбилейи муносабати бил-

ан барпо этилган бу ёлғорлик

оламшумул воқеа бўлганлиги-

ни таъкидлади. Келажакда эса

бу макон ислом аҳли учун му-

қаддас қаламжо ва гоят гўзал

зиёратгоҳлардан бирига айла-

нишига ишонч билдирди.

Шунингдек, тантанала Ўзе-

бекистон мусулмонлари идораси

раиси, муфтий А.Баҳромов, са-

марқандлик нақош уета Сай-

идали Мирзаев, қўқонлик ўймакор уета Абдуғани Абдуллаев, Маккадан ташриф буюрган меҳмон Сафохон Жалолхонтура, Қувайт вақф ва лийн ишлар вазири Аҳмад Холд Кулайб ва бошқалар сўзга чиқди.

Тантанали маросим якунлангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва бу ерга ташриф буюрган меҳмонлар имом ал-Бухорий мажбраси мажмуини зиёрат қилишди.

Аллома қабри ёнида Қуръон тиловат қилинди. Зиёрат сўнгидан Президент Ислам Каримов журналистларга интер-вью берди.

— Ҳар қандай инсон орзу-

умид билан яшайди, — деди давлатимиз раҳбари. — Шу маънода, ушбу мажмуани ян-гилдан қуриш, алломанинг ил-мий меросини ўрганиш, унга ҳурмат бажо келтириш ҳам биз учун катта орзу эди. Уйлай-манки, мана шундай обод ва овоз юрти кўрганда, нафақат катта ёшлаг кишилар, балки ёш авлод ҳам янги куч-қувват олади, гурурланилади. Бундай аjoyиб ёлғорлик айнан шу за-монда, мустақиллик шарофати туғайли бўвд этилганини ан-га-лайди, теран ҳис этади. Ёш ав-лоднинг маънавий камол то-пишида шундай хайрли тал-бирларнинг аҳамияти каттадир. Бугунги тадбирнинг мен учун қувонарли жиҳати шундаки,

биз умримиз, амаларимиз зое кетмаётганига амин бўлдик. Шундай ёруғ кун-ларга етказгани учун Аллоҳ-га шукрона айтаман. Зеро, бу унинг инъоми, мар-ҳаматидир.

Умидим шуки, бу ерга ёшлар ҳам кўпроқ келисин. Одатда масжидларга қариялар келади. Бу ер фақатгина мас-жид эмас, зиёратгоҳ, муқад-дас қаламжо ҳамдир. Бу ерга келган инсонлар мажмуани барпо этиш, унга нафис жи-ло беришда жон куйдириб меҳнат қилганларни, шундай аjoyиб маскан қуришда жон-бозлик кўрсатган ташаббус-корларни бир бор ёд этиб, уларга таҳсин айтаслар, ажаб эмас.

Шу кун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Тошкентга жўнаб кетди. Самарқанд аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Журабеков, Самарқанд вило-яти ҳокими А.Маридиев, Са-марқанд шаҳри ҳокими А.Носиров кузатиб қолдилар.

Анвар БОБОЕВ,
Ҳамза ШУКУРОВ,
Ўза Махсус мухбирлари.
Абдувоҳид Тўраев,
Абдулгани Жума олган
суратлар.



Бу йил Бирлашган Миллат-лар Ташкилоти тузилганига 53 йил бўлади. Дастлаб дунёда тинч-лик ва барқарорликни мустаҳ-камлаш мақсадида тузилган ушбу ташкилотнинг фаолияти ҳозир-ги кунга келиб инсоний ҳаёти-нинг қарийб барча жабҳалари-

нингдек, ташкилот таркибидаги ва нодавлат тузилмалар ҳамда ҳукумат органларининг ўзаро ан-лашув ва юксак ишончга таянган муносабатини йўлга қўйиш, яъни, мухтасар қилиб айтганда, "ягона уй" барпо этиш.

Мазлумки, БМТ ташкил топ-ганидан буюн унинг таркибида қўллаб тузилмалар пайдо бўлди. Улардан айримларининг фаолият доирасида эса туташ жиҳатлар юзюга кела бошлади. Бу англа-шилмовчилликлар келиб чиқиши-га сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳолатдир. Яъни, гоҳи бир муам-мо ечимига бир неча тузилма бош қўйса, бошқа бир муаммо умуман назардан четла қолиб ке-тади. Шу боис, ташкилот тарки-

ЮНЕСКО, Наркотик молдларни назорат қилиш дастури (ЮНДКП), Болалар жамғарма-си (ЮНИСЕФ), Аҳолинуосонлик жамғармаси (ЮНФПА), Санитий тарққийёт дастури (ЮНИДО) раҳбарлари иштирокида Ан-жуман иштирокчилари ўзи раҳ-барлик қилаётган тузилма фао-лияти, у билан Ўзбекистон урта-сиданги ҳамкорлик алоқалари ҳу-сусидаги фикрлари билан ўртоқ-лашди.

Мамлакатимизнинг БМТ ва унинг таркибий тузилмалари бил-лан ҳамкорлиги ҳақида қўллаб-қўллаш фикрларини айтиш мум-кин. Аввало, шунинг таъкидлаш керакки, бу ҳамкорлик жуда кўп соҳаларни ўз ичига олган. Маса-

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

ни қамраб олди. БМТ Бош ко-тибининг ушбу сана муносабати билан эълон қилинган баёноти-да бу ўзининг аниқ-тиниқ ифо-дасини топти. Ҳозир бутун дунё ягона оилага монанди бирлашаёт-ган пайтда, яъни глобаллашув шароитида ҳар қандай муаммо бир давлат чегарасида қолиб ке-тмайди. Алоҳида бир мамлакат-нинг унга қарши қўрашга қўри-б етмайди. Айрим муаммолар борки, уларнинг ечимини излаш ҳатто БМТдек катта тузилма учун ҳам осон кечмайди. Айни пайтда Америка ва Европа мам-лакатларига ҳам ўз таъсирини ўтказётган Осиёдаги молиявий бўҳрон сингари жаҳоншумул му-аммоларнинг ечимига уриниш, ал-батта, бўрон билан қўрашгиш каби мушкул иш. Лекин шун-дай бўлса-да, биз бўроннинг ол-дини олиш эмас, миллионлиқ ин-сонларни у келтириши мум-кин бўлган жабрдан ҳоли қилиш йўлидан бормоқдамиз. Ўзгариш-ларни қийинчиликларсиз ўтказ-иш, уларни бошқариш учун ҳам янгида кўпроқ жипслашувимиз лозим.

Таъкидлаш керакки, Кофи Ан-нан баёноти билан бошлагани-мизнинг сабаби бор. У бу лаво-зимни эгаллаган, ташкилот тар-киби, фаолият йўналишларида янгилаштирилган бўлиб бера бош-лади. БМТ фаолиятини тақомил-лаштириш, жаҳоншумул муам-моларни ҳал этишда мамлакат-ларнинг биргаликдаги сай-ҳар-катларини қўлайитиришга кўпроқ эътибор қаратилди. Шу ўринда К.Аннан янгилаштирилган бораси-да илгари сўрган тақдирларнинг аксар қисми ҳали муҳокамала бўлса-да, улардан айримларини санаб ўтиш жоиз. Булар — БМТ таркибига кирувчи тузилмалар ваколатхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш тақомил-лаштириш, жаҳоншумул муам-моларга бағишланган халқаро анжуманлар акунларини ҳаётга таътиқ этишни қўлайитириш, шу-

бидати тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг тақомил-лаштириш лозим.

Яна бир эътиборга молик ма-сала йирик халқаро анжуманлар билан боғлиқдир. Масалан, Хо-тин-қўшлар муаммоларига бағиш-ланган Пекин конференцияси ёки атоф-муҳит масалаларига бағиш-ланган Рио-де-Жанейро анжума-нида қўллаб муҳим қарорлар қабул қилинган. Лекин уларга дунёнинг ҳамма мамлакатига ҳам бир хил муносабат билдирилма-гани йўқ. Шу боис бу борада БМТ сингари йирик ва нуфузли ташкилотнинг мувофиқлаштири-чи ёки раҳнамо сифатини иш-тирок муҳим аҳамият касб эта-ди.

Мухтасар айтганда, К.Аннан-нинг тақдирлари бугунги кунда ўзининг долзарблиги ва муҳим-лиги билан кўпчилик диққат-эътиборини тортмоқда. Унинг баёнотида таъкидланганича, айни пайтда нодавлат ташкилотларнинг ҳамкорлигини ҳам қўлайитириш зарур. Зеро, бу сайёранинг фука-ролик жамиятини барпо этишда-ги муҳим омиллардан бири сана-лади. Бундай ҳамкорлигининг са-мараси ўлароқ, ўтган йили эри-шилган натижаларни айтиб ўтиш-нинг ўзиёқ кифоя қилади. Маса-лан, пилдларга қарши қўллани-ладиган миналарни тақдирлашга қаратилган халқаро компания ҳамда жаҳон нодавлат ташкилот-ларининг Халқаро жинойи суд тузиш мақсадида қўллашга бир-лашгани ана шулар жумласидан-дир.

БМТ ташкил топган кун му-носабати билан ушбу ташкилот-нинг Ўзбекистондаги ваколатхо-насида ўтказилган матбуот анжу-манда ҳам шулар ҳақида сўз бор-ди. Бу тадбир шуниси билан му-ҳимки, унда БМТнинг юртимизда ваколатхонасини очган таркибий тузилмалари — Жаҳон Банк, Та-раққийёт дастури, Халқаро валю-та жамғармаси, Қўқонлар маса-ласи бўйича олий комиссарлик,

лан, таълим, маданият ва санъат соҳасидаги алоқаларга тўқнаш мумкин. Шу қўшларга ўтказила-диган икки катта тантанамга — Имом ал-Бухорий ҳамда Аҳмад ал-Фарғоний юбилейларига ЮНЕСКО ҳам бош қўйганлиги эътиборга моликдир. Ушбу таш-килот Ўзбекистоннинг Бухоро ва Хива шаҳарларини жаҳон қадим-ий шаҳарлари рўйхатига кирит-ган. ЮНЕСКОнинг мамлакатим-издаги вакили М.Барри Лейн-нинг таъкидлашича, мазкур рўйхатга Самарқандни ҳам ки-риштириш режалаштирилган. Бун-дан ташқари, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Бухоро ва Хивадаги оқори атиқаларни таъмирлаш, шунингдек, яқинда Тошкент Дав-лат университетига Ўлутбек қа-федрасини очилиш, йил охиригача таълим, халқ амалий санъатига бағишланган халқаро анжуман-лар ўтказиш мўлжалланган.

Тараққийёт Дастури билан ҳам-корлигининг ҳам долзарблиги сазо-вор жиҳатларни аниқлагна. Ҳуеу-сан, жамиятнинг демократлашти-риш, атоф-муҳитнинг муҳофаза қилиш, минтақавий ҳамкорлик-ни ривожлантиришга қўмакла-шиш, янги иш ўринлари таш-кил этиш, аҳоли даромадларини қўлайитириш, кичик ва ўрта тад-биркорлиқни қўллаб-қувватлаш-да ёрдам кўрсатиш дастур ва-килларининг бош мақсади.

Бундан ташқари, БМТ тузил-малари ёрдамида юртимизда аҳоли, айниқса, болалар ва она-лар саломатлигини муҳофаза қилиш каби ижтимоий масала-лардан тортиб, қўқонларни ўз-ватанига қайтариш сингари сиё-сий масалалар бўйича ҳам кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон-нинг ушбу ташкилот билан му-носабатлари тобора ривожланиб бормоқда.

Анвар БОБОЕВ,
Ўза шарҳловчиси.



Масеумнинг бир кунлида Бектурди 4 фоз ҳосил қўллаб олганига ўтса, иккинчи кун 4,5 фоз йиққан Оллаберган бошчилик бригада илгарилаб кетди. Ёнг муҳими, пахта тай-ёрлаш тўғрисидаги маълумот-лардан енг олдингилар като-рида муттасил қайд қилиб бо-рилаган бу моҳир пахтакорлар-дан бошқалар ҳам ибрат олишмоқда.

«Ғалаба» жамоа ҳўжалигида Бектурди Қуръов ва Оллаберган Эгамбердиевларни ҳамма та-нийдн, дейилса ҳам оз бўлади. Чунки оилавий пуд-ратчиларнинг бу иккала етакчиси йиғим-терим дав-рида нафақат ҳўжалик, балки бутун туман аҳли-нинг диққат марказида бўлишмоқда.

БИР-БИРОВДАН ЎЗИБ

Мана, ниҳоят 10 октябрда иккала бригада ҳам бирин-кетин дастлабки марғага етиб ке-лишди. Улар ҳар гектар май-дондан 30 центнердан ошириб хирмон қўтариб, йиллик шар-тнома режасини туманда бир-ринчилардан бўлиб ўлдаришди. Шу кун туман ҳокими, Ўзе-бекистон халқ депутати Шакар-жон Хўжаназарова, вилоят ҳокимлиги ахборот таҳрир гу-руҳи раҳбари Баҳодир Бобо-жонов иккала пахтакорга эриш-ган муваффақиятлари учун

қимматбаҳо совғалар топши-ришди.

Бу ютуқларнинг сири ни-мада? Аспиди бу «сир» сир ҳам эмас. Бу лекҳончилик илмига меҳрур ихлос, сафдошларига ҳурмат натижасида ортирил-ган маҳорат маҳсулидир.

Оллаберган билан Бектурди «ер билан тидлаша билдилар» дейилса, муволаға бўлмайди. Ахир ерга қачон сув беришни, ўғит солишни, гўзани парва-ришлашни юракдан ҳис қилиб туриш — шу «тил» билиш

— дейди Оллаберган, — бу йил шу ерларимиз менга шўр ювишни кечиктирма, дегандек бўлди. Мен бутун қиш оёқдан этикни, бошдан папоқни еч-мадим, десам ҳам бўлади.

Оллаберган ва Бектурди на-фақат ерларни экишга тайёр-лашда, балки барака уруғи қалаш, экинларни йиғиб-териб олиш даврида ҳам тиним би-лишмади.

Маҳаллий уруғни бу йил ҳар қачонгидан кўпроқ тўпла-

дик. Гектар бошига 50 тон-надан малҳам солидик, — дей-ди Бектурди. — Ерга ҳам, экинга ҳам худди ёш бола-дай парвариш керак.

Гулжон Маматова, Роҳат Ёқубова, Бика Маткаримова, Шоҳсанам Жумабоева, Ота-назар Йўлдошев, Гулжамил Шомуротова сингари пудрат-чилар, Қўзи Нурматов, Жу-мабой Саидов, Йўлдош Со-биоров, Норбой Қуръов син-гари меҳнаткорлар бу ик-кала бригада жамоаси ютуғи-га улкан ҳисса қўшдилар.

О. Эгамбердиев ва Б. Ку-рязов сингари етакчилар жа-моа ҳўжалигида қўзланган марралар тизроқ эгалланиши учун олиб бериётган сафар-барлиқни янада қўчайтироқ-далар. Улар эндиликда гекта-рига 40 центнерни қўзлаб, меҳнат гайратини бўшаштир-маётдилар.

Сотим АБАЗ,
Богот тумани.



Barakat Co., Ltd.

хорижий ширкати

Бутун ўзбек халқи ва ҳукуматини инсоният
фани ва маданияти тарихида ўчмас из қолдирган улуг алломалар
И.мо.и ал-Бухорий таваллудининг 1225 ва
Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик айёми билан
табриклаш шарафига муяссар эканлигидан маинундир.

Биз ушбу табаррук сонияларда Сизларни кимларнинг Борислари, қандай
буюк давлатчиликка эга халқ эканлигини
яна бир бор юрак-юракдан ҳис қилилмиз.

АЗИЗ БИРОДАРЛАР!

Барчангизни муқаддас айёмлар билан муборақбод этар эканмиз, ушбу
саодатли кунларнинг ҳаётбахш зиёси қалбингизни,
хонадонингизни ва умрингизни чароғон этишини тилаймиз.

Ҳар бирингизни рўзгорингизга, умрингизга ва касби-корингизга барака
Берсин. Илоё, Ватанингизни ёмон кўзлардан
Яратганинг ўзи асрасин! Ўтганларнинг руҳи шод бўлсин,
озод Ўзбекистон янада обод бўлсин.

Озодлик кўёши мангу нур сочаверсин!



ЭХТИРОМ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров 70 ёшга тўлди. Бундан қарангки, бу ўзининг салкам ярим асри меннинг кўз ўнгимда кечти. Ҳа, гуруҳ билан айтишимиз мумкин. Пиримқул меннинг энг ардоқли, энг қадридон дўстларимдан бири. Биз тенгқўллармиз. Мана, ярим асрдирки, ҳамфиқр, ҳамжизмат бўлиб, адабиёт манфаатлари йўлида ҳар қайсиимиз имкониятимиз қадар хизмат қилиб келмоқдамиз. Бугунги муҳаббат кунда дўстимни ўйласам, беихтиёр кўз ўнгимдан ортда қолган йиллар лип-лип ўтади.

Биз 1950 йилда илк бор танишган эдик. Унда мен дорилфунуннинг филология факультетида, Пиримқул эса шарқшунослик факультетида талаба эдик. Талаба бўлса ҳамки, ижода дастлабки қадамларини қўйиб улгурган эдик. Ҳатто «Беш йилликлар фарзанди» ва «Студентлар» деган иккита китоби босилиб ҳам чиққанди. Дорилфунундаги бахслар, муҳокамалар, ижод иштиёқи, санъат силрларини ўрганишга интилиш бизни бир-бирига яқинлаштирди.

Замон анча оғир эди — мамлакат урушдан янги чиққан, ҳар қаламда қаҳатчилик излари сезилиб турар, стипендия, маош тикриқчиликка етишмас эди. Бироқ ёшлик шижоати олдида, қалбимизда жўш урган улғур арзулар қаршисига бу қийинчиликлар арзимас бир нарсая экан. Устимиз юпунроқ бўлса ҳам, чалақур-соқилдан ҳамиша тиришиб юрсак ҳам гурунларимиз ошати бўларди, бир-биримизни аймай, бир-биримизга гап бермай тортишганимиз тортишган эдик. Ҳаёт тўғрисида ҳам, илм-фан, санъат ва адабиёт ҳақида ҳам, социалистик реализмга қарши бўларди тўғрисида ҳам тортишардик. Гурунларда бошқа ҳеч қарерда айтиб бўлмайдиган куфрон гаплар ҳам тез-тез айтилиб туриларди.

Кўйинг-ки, бу баҳслар орзуларимизни ўстиришда, кўзимизни очишда жуда катта роль ўйнаган. Пиримқул билдимиз, лекин мен улардан жуда кўп баҳра олдим: ҳаётга қарашини чуқурлаштириб, адабиётни янгича англай бошладим, айниқса, бу баҳсларда мен Лев Толстой дунёсини, кўпни кўрган бу буюк инсоннинг сўҳури жозибасини кашф этдим, унинг куралини тафаккурни қалбимда ўчмас из қолдириб. Мени илк бор Абдулла Қаҳҳор билан таништирган ҳам Пиримқул бўлган. Кейинчалик ўн йил мобайнида бу улғур инсон билан қилм мулоқотда бўлдим. Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаётдан кўз юмганига 30 йилдан ошди, лекин ҳаётим мен у кишининг тағирини сезиб тураман, ҳаётим унинг сатралари таъсири мен, ўзим сунчиқ ролини ўтайди.

Ушба кезларда Пиримқул ҳар қанча банд бўлмасин, змидан ижодий ишини зўр гайрат билан давом эттирарди. Ҳаётдан — биз бундан орадан икки-уч йил утқандан кейин билдик — у ҳаммаимизнинг ҳавасимизни келтириб, ўртага «Уч илди» романини қўйди. Роман босилиб чиқиши билан ушба пайтдаги ҳаётимизда катта воқеа бўлди, тез орада ҳаммамизнинг оғизига тушди. «Уч илди» ўзбек адабиётида шахса ситиниш иллатларини фойда қилувчи биринчи йиллик бадиий асар эди. Аммо бундан ҳам мўҳими — роман ўзимиз тўғрисида, келажик талабалар билан-римиздан баҳс этувчи, қандай ўқитганимизни, қандай севганимизни, қандай дўстлар орттирганимизни, адолат, ҳақиқат, виждон ва ҳаётлик туйғулар мурғак қалбларимизда қандай томир ёш бошлаганини, бу йўлдаги дастлабки қувончлар ва аламлар, дастлабки адабиётлар ва йўқотишлар тўғрисида ҳажон билан ҳижоа қилган асар.

Эди. Асарга XX асрнинг улғур ёзувчиларидан бири Мухтор Азизов жуда юксак баҳо берди ва Пиримқулнинг келажик порлоқ эканини баъорат қилди.

Ҳа, бу келса адибнинг баъорат тўғри чиқди — ўшандан кейин Пиримқулнинг катта-кичиклигидан қатъий назар, ҳар гал халқ манфаатларини назарда тутиди. У ўз халқининг фарзанди ва фарзанд онасини севганидек, халқини севар, уни янада баркамол қўришни истади. Албатта, шўро замонидан ҳеч қайси ёзувчи қўнғиллаги бор гапини оқизмай-томилмай охиригача, тўла-тўқис айтолмас эди, жиндай қўнқилдан чиқиб кетган ёзувчи қаттиқ жазоларга муштаҳик қилинарди. Пиримқул ҳам бундан мустасно эмас эди, лекин шундай бўлишга қарамай, у эркинлик муҳитида туриб, «Эрк» деб ҳайқирди. У ўзбекни эркин ва ҳур қўришни, муштаҳик қўришни истади ва бу истагини одамларга қарата «бўш-баёв бўлма, қўй

керак? Лекин ҳаётнинг ўз қонуниятлари бор — ҳаёт шунақа ўғар ва мўғамбир нарсаски, сенга бир қўли билан тул тузса, бошқа қўли билан тикан тутқазди, унинг сенга атаган қалаҳларида бирда тотли шароб, бирда ҳалоқатли оғу бўлади. Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу деб беҳиз айтишмайди. Пиримқул ҳаётнинг ёруғ қўнларини ҳам, изирибди, оғир қўнларини ҳам кўрди. Лекин бунинг сабаби унинг ўзида эмас — бирор бир қалтис ишда ё тўғри йўлдан тойганида, ўз эътиқодига ҳиёнат қилиб, виждонига ҳилоф иш юритганида эмас эди. Бунинг сабаби у яшаган шўро муҳитида, шўро юртдан адабий сие-сатда, у даврларда ҳалол ёзувчининг қалдирасида эди.

Гап шундаки, Пиримқул дорилфунунда шарқ тарихидан мутахассис бўлиб етишганди. Унинг ижодкор сифатидаги энг катта орзуси — ўз халқининг ўғитини ёриштириш, тарихда ўзбеклардан ҳам буюк сиймолар етишиб чиққанини ифтихор билан дунёга намойиш этиш эди. Узоқ йиллар давом этган тайёргарликдан сўнг у «Юлдуз» романини ёзиб тутатди. Бу роман ижодининг авж нуқтасини ташкил қилувчи асар бўлмоғи керак эди. Аммо бундай бўлмади, аксинча, бутунлай бунга тескари бир ҳол вужудга келди. Роман ўзбекнинг машҳур ва буюк тарихий сиймоларидан бири Заҳириддин Мухаммад Бобурга бағишланган эди. Аммо ҳудди шу ҳолат Пиримқул бошига беҳисоб маламатлар ёғилишига сабаб бўлди.

«Ахир, у замонларда ўзбекининг подшоҳини макташ мумкин эмас эди-ла! Бу ўғитини идеаллаштириш бўлар эди. Лекин гап бунда ҳам эмас эди — бундай асар ўзбекча ўзгичини танитар, унинг ўғитини бой эканини ўқитар, қалбда ифтихор туйғуларини шакллантирар эди. Миллий ифтихорини ўйгонган халқ эса етвойда юришдан бўйин тўлаб қоларди, буюк оғасидан рўзгорини бўлақ қилиб олишни талаб қили бошларди. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун асарини эълон қилиш таққиланди. «Шарқ юлдузи» журналида бир неча марта терилган ҳойида буюқиб ташланди, ҳеч қандай ўқинлар эълитбоғга олинмади. Бу ахвол бир кун эмас, бир ой эмас, йиллаб давом этди. Ёзувчи боши устидаги қора булутлар қуюқлашгандан қуюқлаша борди.

Ижодкор учун бундан ҳам оғир кўргулик бўларми — у халқим деб жонини фидо қилиб, юрак қони билан асар ёзса-ю, бу асарини халққа етказиш ўрнига қўлмеъани ҳибсга олиб, муаллифини қора рўйхатга тиркашса! Фақат матонат билан кўп йиллар мобайнида олиб борилган курашгина оқир-оқибат ижодий натижа берди — асар босилиб чиқди ва китобхона қўлига етиб бори. Кейин эса унинг давоми — Ҳумоюн ва Акбарларга бағишланган қисмлари ёзилди ва эълон қилинди. Ҳа, Пиримқулнинг тарихий романи ўғитини яддаги энг эркин сифатларнинг баъзиларини бадиий гавдалантирди ва шуни билан маънавий ҳазинамизни бойитди.

Етмиш йиллик умрни одам ҳар хил яшаб ўтиши мумкин. Пиримқул уни муносиб равишда, теран мазмунга тўлатиб, одамларга ибрат бўла оладиган қилиб яшайди. Шунинг учун ҳам бугун унинг қўлуг таваллуд кўнида «Ҳорманг, дўстим!» дея хитоб қилман ва унга кўп йиллар сизхат-саломатлик тилаб қолам!

Озод ШАРАФИДДИНОВ

МОЗИЙДАН САДОЛАР

ФАРОЙИБ ОРОЛ



Бу турфа олам сир синоптага бой. Унинг баъзи сирларидан хабардор бўлсак-да, баъзилари биз учун жумбоқ. Ундан оғох бўлиш эса биз учун жуда қизикарлидир. Сиз «Пайгамбар орол»ни эшитганмишсиз? У ерда жойлашган макбара нима учун «Зул-Кифл» номи билан аталишини-чи?

Термиз туманига қарашли бўлган ушбу «Пайгамбар орол»ни кимлардир яхши билса-да, баъзилар бундан мутлақо беҳабар. Қизиқ шундаки, у дунё харитасидан ўрин олмаган. Камдан-кам одамнинг қадами етган бу гўша, минг йиллардирки, «Амударё» билан юзма-юз турибди. У она табиятнинг ҳил-хонаси ва ёлғорлигидир.

«Зул Кифл» арабча сўз бўлиб, айнан таржима қилинганди: зул — ҳақриқ, фақрлик, кифл — ҳиссали, улушли, яъни фақирлик ҳиссаси бор, деган маънони англатади. Ёки Оллоҳнинг ҳоми-лигига, қафлигига эга, деган маънони билдиради. «Зул-Кифл» макбарасининг вужудга келиши ҳақида қуйилган маълумотлар бор: Қуръони Каримда бу ном Мухаммад Алайҳиссаломга қадар ўтган пайғамбарлардан бирига нисбат берилади. Аксарият муҳаддислар эса «Зул-Кифл»ни Ёзилек номи билан боғлайдилар. Бу зот асосан Сурия ва Кичик Осиёда яшган Аюб пайғамбарнинг ўғли Бишир, деган тахминларни илгари сурдилар.

Тарихий манбаларга кўра, бу макбарала машҳур лашкар-боши Исҳоқ ибн Қундаш дафни этилган. У аббосийлар сулоласида хизмат қилган бўлиб, турк амрларидан бири эди. Исҳоқ ибн Қундаш кўп

қахрамонликлари билан шўҳрат қозонади ва ҳижрий 279 йилда вафот этади.

Маҳаллий оқсоқоллар эса бу ҳақда бошқача ривоят қилишади. Айтишларича, бир кун Зул-Кифл саҳобаларини қўшига қорлайди ва «мени ва фотимдан сўнг сандиққа солиб, Жайхунга ташланглар», — деб амр берибди. Авлиёнинг амри вожиб. Улар васиятини айтганларидек бажаришибди. Сандиқни Жайхунга ташлабдилар. Шунда сандиқ оқимга қарши суза бошлабди. Ҳалойиқ оқимга қарши сузган сандиқни қузатиб бораверибди. Термиз рўнарсига келгач, у тўхтабди. Шунда авлиё сандиқни очиб, бошини кўтарибди ва ҳалойиққа хитоб қилибди: «Бу ерда Термиз ота ётибди. У кишини хатлаб ўтормайман. Бир умр уларнинг пойларига етишни орзу қилганим. Ниятима етдим» — дебди.

Бу бир ривоят, қанчаси рост-у, қанчаси афсона? Буниси бизга қоронғу. Лекин неча асрлардан буюн оқётган жўшқин Амударё унга эиён етказмаган. Бу оролга улғур мунажжим Мирзо Улғубекнинг ҳам қадами етган. У 5 яшарлигида буниси Сароймулкхоним билан бирга «Зул-Кифл»ни зиёрат қилади. Мана, сизларга «Пайгамбар орол»и ва у ерда жойлашган «Зул-Кифл» ёлғорлиги ҳақида ривоят ва ҳақиқат.



СУРАТЛАРДА: «Зул-Кифл» макбараси кўринишлари. Искандар ХҲҲАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

М. ЕГОРОВ
(масъул котиб —
«Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДИНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»),
Л. ПАК
(бош муҳаррир ўринбосари —
«Народное слово»),
М. САФАРОВ,
Р. ФАҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОВ,
Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85;
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 0413,
27353 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ,
Офсет усулида
босилган.
Қозғоз бичими А—2

Газета PENTUM-II
компьютерда терилди
ҳамда операторлар
Сергей ЛУКИН ва
Жамшид ТОҒАЕВ
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир —
Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи —
М. ҲОЛМАТОВА.
Мусаҳҳих —
Ф. УСМОНОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

Тахриратда ҳажми
5 қозғоздан зиёд
материаллар қабул
қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмаҳонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон»
кўчаси, 41.

Босишга топшириш
вақти — 21.00

топирилди — 01.35

1 2 3 4 5 6

ЎЗ КАСБИНИНГ ЗУККОЛАРИ

Мана бир неча йилдирки республикамизда ҳамшира-лар, мураббийлар ўртасида мунтазам кўрик-танловлар ўтказилиши анъаналарга айланиб бормоқда. Бундай кўрик-танловлар бошқа соҳаларга ҳам аста-секинлик билан тағбиқ қилинмоқда. Яқинда Ўзбекистон телевидениеси ва «Тошшаҳарйўловчи» ҳамкорлигида «телешоу» ўтказилди.

Ушбу кўрик-танлов транспорт ҳодимларининг билим ва тажрибаларини оширишда самара бериши шубҳасиз. Унда «Тошшаҳарйўловчи» давлат уюшмасига қарашли автобус саройининг моҳир ҳайдовчилари иштирок этиларди. Кўрик-танловда олтинта иштирокчи қатнашди.

Курик танлов шартларининг бажарилиши ҳакамлар хайъати томонидан ҳаққоний баҳо-ланди. Курик танловининг охирида ҳакамлар хайъати бир овоздан Шухрат Тўлбо-боевни ғолиб деб топили ва унга рангли телевизор тақдим этилди. Иккинчи ўринни эса Абдуқодир Қосимов эгал-ланди. Унга видеомагнитофон топширилди. Ва ниҳоят учинчи ўрин кўрик-танлов-нинг ташаббускор ва чапдаст қатнашчиси Иброҳим Мажидовга насиб этди. Унга ҳам қимматбаҳо соврин тақдим этилди. Қолган уч нафар иштирокчиларга ҳам ҳакамлар хайъати совғалар топширди.

— Бу танлов ҳайдовчилари-миз учун синов жараёни бўлди десак, муволаға бўлмайди, — дейди ҳакамлар хайъати раиси, бошқарув ра-исининг ўринбосари Ҳ.Маҳ-камов.

Курик-танловда бадиий дастлар ўзларининг чиқиш-лари билан барчанинг кўнглини хушнуд қилишди. Шунингдек лаҳзалик лотерея уйинлари ҳам ўйналди.

Гулиҷаҳра САИДИЙ

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Тошкент фармацевтика институтини «Фармация» ихтисослаштирилган бўйича ўқув режаларини ислоҳ қилиш ва «Фармакотерапияни муаммоларни ўқитиш» бағишланган Халқаро семинар бўлиб ўтди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати (ЖССТ), Европа минтақаси идораси (Дания), ЖССТ Фармакотерапия маркази (Нидерландия) ва Тошкент фармацевтика институтини семинар ташкилотчиларидир. Унда Беларусь, Қозғистон, Қирғизистон, Молдова, Туркменистон, Украина ва Россия Федерациясидан делегатлар иштирок этди.

ЭЛ СОҒЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Дарс олиб бориш учун Тбилиси, Қозон, Ереван давлат тиббиёт институтлари ва Москва тиббиёт институтидан махсус профессор-ўқитувчилар тақлиф этилди. Асосий мақсад фармацевтика ихтисослаштирилган ўқув режаларини жаҳон стандарти даражасига кўтариш ва минтақадagi тиббиёт илмий ўқув юр-ларининг келажак истик-болларини аниқлашдан иборат.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, 1995 йилда ЖССТнинг махсус экспе-ртиза гуруҳи Тошкент фар-мацевтика институтини уз-луксиз фармацевтика таъ-лими тақомиллашган дори-хона амалиёти бўйича за-монавий ўқитиш режаси ва дастурини яратиш базаси-

да энг тайёр, ҳар томонла-ма мос келадиган ҳамда бу режани бошқа давлатларга тарқатишга имкони мавжуд ўқув юрти деб топилди. Бу ислохотларни рўёбга чиқа-риш мақсадида Буюк Бри-тания бирлашган қиролли-гининг «Ноу-хау» жамғармаси махсус грант ажратди ва ало-ҳида лойиҳа тузилди, тайёр-гарлик ишлари бошланиб юбо-рилди. Институтдан 15 га яқин профессор-ўқитувчилар, Копенгагендаги Дания қирол-лигининг олий фармацевти-ка мактабиди, Англиянинг Манчестер, Никател ва Ли-верпуль университетлари фар-мацевтика факультетларида бўлиб, ўқув режалари, дас-турлар, ўқув услубий ишло-

ри ва жараёнлари, дори-хоналар хизмати, кафедра-лар, лабораториялар жи-ҳозлари билан танишиб қайтишди. Лойиҳанинг раҳ-бари Нателла Менабде бошчилигидаги махсус экс-пертлар уч марта инсти-тутта ташриф буюришди ва навбатдаги ўқув семинар Тошкентда ўтказишга қарор қилинганди.

Хуллас, 12 кун давом эт-ган ушбу халқаро семинар-да жаҳон стандартига мос келадиган узлуксиз фарма-ция таълимининг истикбол-лари мустақил Ўзбекистон диёрида белгиланди. Бу республикамизда илм-фан тароқиёти учун катта хиз-мат қилади.

Собир АМИНОВ,
профессор.

Миробод туманидаги «Саят» кичик кўп тармоқли корхонасининг йўқолган думалоқ муҳри ва бурчак штампни бе-кор қилинади.

Жиззах вилояти Зомин туманидаги «Собир» хусусий кичик корхонасининг йўқолган думалоқ муҳри ва бурчак штампни бе-кор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси томонидан Шайхон-тоҳур туманидаги «Оқ — Қуёш» ху-су-сий корхонаси Усманхўдаев Нури-сайд Халимовичнинг хусусий мулк эканлигини тасдиқлаш учун 1994 йил 6 июнда берилган 406 рақамли Дав-лат ордери йўқолганлиги сабабли бе-кор қилинади.

«АВИАБАНК» АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ, АКЦИОНЕРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 1998 йил 13 ноябрь соат 15.00 да БАНК БИНОСИДА БЎЛИБ ЎТАДИ. МАНЗИЛ: Нукус кўчаси, 73-Б уй. Рўйхатга олиш соат 14.30 да бошланади.

Кун тартиби

1. 1998 йилнинг 9 ойлик иш натижалари тўғрисида бошқарув ва банк кенгаши раисининг ҳисоботи.
2. Банк Уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
3. Банк кенгаши тўғрисидаги низоми тасдиқлаш.
4. Банк кенгашининг янги таркибини тўзиш.
5. Банкнинг ижроия органини ишга ёллашни шартнома у с у л и г а ўтказиш тўғрисида.
6. Банкнинг ташқи а у л и т о р и н и тасдиқлаш тўғрисида.
7. АТБ «ИЛМТЕХБАНК»ни «АВИАБАНК»ка қўйиш тўғрисидаги масалани кўриш.



Қўйишга маълумотларни қўйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:
54-98-98, 54-79-71.

(Газетанинг навбатдаги сопи 25 октябрь — яқинда кўни чиқади).